

BUXORO TARIXI MASALALARI

(eng qadimgi zamonlardan hozirgacha)

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

M A T E R I A L L A R I

2025-yil 5-dekabr



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

ARXEOLOGIYA VA BUXORO TARIXI KAFEDRASI

BUXORO TARIXI MASALALARI
(eng qadimgi zamonlardan hozirgacha)

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

M A T E R I A L L A R I

2025-yil 5-dekabr

Buxoro – 2025

Ilmiy-amaliy anjuman Buxoro tarixi, manbashunosligi, tarixshunosligi, arxeologiyasi, etnografiyasi, numizmatikasi, shaharsozligi, madaniyat va san'ati sohalarida amalga oshirilayotgan eng yangi ilmiy natijalarni ilmiy jamoatchilikka yetkazish, fan va ta'limning uzviy bog'liqligini kuchaytirish maqsadida Buxoro davlat universitetida 2025-yil 5-dekabr kuni **“BUXORO TARIXI MASALALARI” (ENG QADIMGI ZAMONLARDAN HOZIRGACHA)** mavzusidagi Xalqaro miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida o'tkazildi.

Ushbu ilmiy to'plam keng ilmiy jamoatchilik, Buxoro tarixi bilan qiziquvchilar, tarixchilar, magistrantlar va talaba yoshlarga mo'ljallangan

Mas'ul muharrir:

K.J.Rahmonov, BuxDU dotsenti, pedagogika fanlari doktori

Tahrir hay'ati va a'zolari:

O.X.Xamidov - Buxoro davlat universiteti rektori, i.f.d., professor
K.A.Samiyev - ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor, f-m.f.d., professor
B.B.Namozov - Tarix v yuridik fakulteti dekani, f.f.d., professor
J.Sh.Haitov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası mudiri, t.f.d. (DSc)
Sh.A.Xaitov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası professori, t.f.d.
H.H.To'rayev - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası professori, t.f.d.
A.T.Ochilov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası professori, t.f.d. (DSc)
F.U.Temirov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.d. (DSc)
A.H.Ahmadov - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, f.f.d. (DSc)
M.I.Niyazova - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.n.
M.B.Qurbonova - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.n.
A.H.Boltayev - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.f.d. (PhD)
B.B.Boltayev - Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası dotsenti, t.f.f.d. (PhD)
SH.O'.Nosirov – Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası o'qituvchisi

To'plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

Haitov J.Sh. – Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası mudiri
Nosirov Sh.O' – Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrası o'qituvchisi

Konferensiya O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 27 dekabrda 490-son buyrug'i bilan tasdiqlangan 2025-yilda xalqaro va respublika miqyosida o'tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasiga muvofiq o'tkazilmoqda.

Ilmiy-amaliy anjuman materiallarida yoritilgan tarixiy jarayonlar, ma'lumotlar, chiqarilgan xulosalar, manba va adabiyotlar uchun mualliflarning o'zlari mas'ul va javobgardir.

хоқонлиги пойтахти ёки пойтахтларидан бири (Пойканд билан биргаликда) сифатида хизмат қилганлиги ҳақидаги хулосаларни келтириб чиқаради. Ушбу фикримизни Хитой манбалари ҳам далиллаши мумкин. Масалан, “Бэй ши” (“Бэй йилномаси”)нинг 97-бобида “Аланьми” (Ромитан) шаҳри ҳақида эслатилиб, унда яшовчи ҳукмдор фамилияси “Чжао-у”, яъни “ябғу” эканлиги ёзилган¹. Маълумки, “ябғу” унвони дастлаб Ғарбий хоқонлик ҳукмдорларигагина берилар эди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ромитан шаҳри ва унинг атроф ҳудудлари илк ўрта асрларда Бухоро воҳасининг йирик иқтисодий ва сиёсий марказларидан бири сифатида ички ва ташқи ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг марказида турган. Ҳудуд тарихи ва унга боғлиқ жараёнларнинг маҳаллий ва хорижий манбалар воситасида ўрганилиши ҳали ўз ечимини топмаган илмий масалалар учун хулоса беришга асос бўлиши мумкин. Жумладан, ҳудуд тарихининг Турк хоқонлиги марказий маъмурияти билан алоқаларининг маҳаллий суғдий манбалар, Хитой йилномалари, форс ва туркий манбаларни тадқиқ қилган ҳолда ўрганилиши шахсияти тўла аниқлаштирилмаган Шери Кишвар, Қора Чўрин, шунингдек, Нири хоқон каби шахсларнинг сиёсий фаолиятини ёритишда катта аҳамиятга эга. Айни чоғда ушбу масалалар хоқонликнинг иккига бўлиниши ва маҳаллий ҳокимликларнинг ташкил топиши каби жараёнларни тадқиқ қилиш учун ҳам муҳимдир.

СУВ ТЕЖАШНИНГ БУХОРО ТАЖРИБАСИ: ТАРИХИЙ АМАЛИЁТ ВА НАТИЖА

Naimov Ismat Nusratilloevich

Buxoro davlat universiteti

**Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrasi dotsenti,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)**

Аҳмад Дониш (1827-1897) XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида барча соҳаларда ўзининг илғор фикрлари билан муносиб из қолдирган кўп қиррали фаолият соҳибидир. У ўз илмий меросида Бухоро амирлигидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий масалаларни ёритишга ҳаракат қилди ҳамда ўз замонасидаги муаммоларни бартараф этиш қаратилган таклифларини илгари сурди. Замонанинг долзарб масалаларидан бири эса бу – сув танқислиги муаммоси эди.

1868 йилда Зарафшон водийсининг Зирабулоққача бўлган қисми Россия империяси томонидан босиб олинди, сувнинг боши унинг қўл остига ўтади. Бу ҳолат бухороликларни ташвишлантирмай қолмас эди. Чунки, Самарқанд воҳасининг Россияга қўшиб олиниши билан Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган ва Бухоро воҳасининг сув таъминоти учун сув ташлагич “қулфак” бўлиб хизмат қилувчи асосий сув тармоқлари, жумладан Чўпонота сув айирғич иншооти Зарафшон музофоти ихтиёрида қолиб, Бухорони сув билан таъминлаш аввалгидек амирлик бошқарувида эмас балки, Россиянинг Туркистондаги маъмурияти хоҳишига боғланиб қолган эди [9: 117]. Мустамлакачилар имкон қадар воҳани сув қарамлигига тутиб туришга ҳаракат қилдилар. Хусусан, 1874 йилда Бухорода бўлган ва унинг сув таъминотидаги аҳволини кузатган Н.П. Стремоухов “Зарафшоннинг асосий оқими бизнинг ҳудудимизда бўлгани учун ҳар йилги сув тақсимооти ҳукуматимиз ихтиёрида. Бу ишни бошқариш билан у бухороликлар олдида анчагина устунликка эга. Энг зарур эҳтиёж (сув)дан қисиб, Россияга нисбатан ўз муносабатларида эҳтиёткор бўлишга ҳамма вақт уларни мажбур этиш мумкин” [12: 191], - дейди. Демак, билдирилган фикрлардан англаб этиш мумкинки, Россия сиёсий ҳукмрон вакиллари Зарафшон дарёси масаласига жиддий қарашган ва сувни ўз назоратларида тутиб туриш тўғрисида мақсадларини яришиб ўтиришмаган.

ўша ерда вафот этганлиги ҳақидаги маълумотлар бор. Унинг Ғарбий хоқонликда қолган ўғли Таман хоқон (Хэшана ёки Чуло хоқон, 604-612) ҳам кейинроқ Хитойга кетиб, 614-йилда Синь-и номли хитойлик маликага уйланган. Қаранг: ан-Наршахи, Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа'фар. Та'рих-и Бухара. История Бухары. Пер., комм. и прим. Ш.С. Камолиддина. Археолого-топографический комм. Е.Г. Некрасовой. – Т.: SMIA-SIA, 2011. – С.147, комм.56.

¹ Ли Яньшоу. Бэй ши (хитой тилида). – Пекин: Чжунхуа шуцзюй, 1974. – Б.3238.

Шуни қайд қилиш лозимки, Бухоро амирлиги амалдорлари сувни ўз назоратларига олиш учун қўлдан бой берилган хуудларни амирликка қайтариш лозим, деган фикрда эдилар ва бунинг учун барча ҳаракатларни амалга оширдилар. Ушбу масалада Бухоро элчилари Россия империяси пойтахти Петербургга жўнашдан олдин Туркистон генерал губернатори К.П.Кауфман билан учрашиш ва унинг бу хусусдаги нуқтаи-назарини билиш мақсадида 1869 йил август ойида Тошкентга келадилар. Абулқосимбий бошчилигидаги амирлик элчиларига таржимон сифатида шарқшунос ҳамда губернатор маслаҳатчиси П.И.Пашино бириктирилади [11]. Аҳмад Дониш таркибида бўлган бухоролик элчиларга П.И.Пашино тажрибасизлик қилиб, куни-кеча Бухоро-Россия муносабатлари К.П.Кауфман хузурида муҳокама этилгани [11: 145] ва Самарқандни Бухорога қайтариб бериш тўғрисида Петербургдан келган махфий телеграмма мазмуни билан таништирган [4: 59]. Бу хабарга асосан элчилар Самарқандни қайтариб бериш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини губернатордан талаб қиладилар, аммо К.П.Кауфман буни мутлақо рад этади. Назаримизда, ушбу телеграмма тавсия мазмунига эга бўлган. Чунки, рус подшоҳи Туркистондаги барча масалаларни ўз империяси фойдасига ижобий ҳал қилиш ваколатини тўла-текис К.П.Кауфманга топширган эди. Албатта, кейинчалик генерал губернатор махфий хат билан амирлик элчиларини ким хабардор қилганини обдон суриштиради ва айбдор П.И.Пашинога йўл қўйилган бундай ҳолатни ҳарбий дала судида кўриб чиқиб, ўлим жазосига маҳкум этиш билан таҳдид қилади [4: 60].

Шундай бир вазиятда А.Дониш бир вақтлар ота-боболари томонидан минг машаққат билан ўзлаштирилган ерларни қайтиб саҳрога бой беришга йўл қўймаслик ҳамда мамлакатда кенг қамровли сув ислоҳотини амалга ошириш зарур деган, фикрда эди. Аҳмад Дониш бу тўғрисида ўзининг ажойиб ғоясини илгари суриб, Бухоро воҳасини мустақил Амударё суви билан таъминлаш имкониятини берувчи лойиҳа тарҳини чизади [15].

Аҳмад Дониш сув танқислиги масаласида Бухоро амири Музаффархоннинг эътиборсизлигини ниҳоятда танқид остига олади. Амир Музаффар замонида Бухоро ободончилигида катта тушқунликлар юз тутганлиги, мамлакатнинг таназзулга юз тутиш сабаблари сифатида Бухоро суви руслар тасарруфига ўтиб, кўпчилик экинзорнинг сувсизликка учраганлиги, аксар деҳқонлар туманлардан Сирдарё бўйидаги русларга қарашли ерларга кўчиб ўтганликлари ва амалдорлар ҳамда солиқ йиғувчиларнинг жабр-зулми кучайиб кетгани, султонга тегишли ерлар экилмай қолганидан ташвишланади [5: 94]. Шунингдек, у ҳали булоқ(арик)дан сув чиқмасдан туриб, миробларнинг деҳқондан пора талаб қилишларини ҳам танқид қилади [5: 74].

Аҳмад Дониш шундай бир шароитда воҳа деҳқонлари ўз оилаларини тебратиш мақсадида ерга ишлов беришнинг турли усулларида фойдаланганларини ҳам алоҳида қайд этади. Бироқ, аллома бирор-бир асарида ерга ишлов бериш усуллари тўғрисида батафсил маълумот бермаган.

Зарафшон дарёсининг қуйи қисмидаги камсувлик ҳамда амалдорларнинг бундан фойдаланиб амалга оширган таъмагирликлари деҳқонларни сув танқислигига қарши кураш йўллариини излаб топишга мажбур этади ва улар оғир ҳамда машаққатли меҳнат сарфлаб бўлса-да, воҳанинг деҳқончилик тарихида, диққатга сазовор бўла оладиган, ўзига хос антиқа янгиликни ихтиро этадилар.

Бу кундалик эҳтиёж учун энг зарур бўлган деҳқончилик маҳсулотларини суғориладиган ерларда сувсиз етиштириш агротадбирларининг ишлаб чиқиши бўлиб, бу усул Бухоро соҳибкорлари ўртасида “қоқлама” номи билан машҳурдир [12: 171].

Сув танқислиги натижасида вужудга келган деҳқончилик агротехикасининг бу ажойиб усули ҳақида бир мунча муфассал тўхтаб ўтиш ўринлидир. Чунки у Зарафшон воҳаси деҳқонларининг водий агротехикаси бўйича, асрлар давомида тўпланган жуда бой тажрибаларидан бўлиб, қисман бўлса-да, деҳқончилик тарихини янги саҳифалар билан бойитади.

“Қоқлама” атамасини фақат XIX асрнинг иккинчи ярмига оид тарихий манбаларда тилга олинган. Манбаларда “қоқлама” шудгор маъносида ишлатилган. Аммо унинг оддий

шудгор маъносидаги тор тушунчадан фарқ қилиб, машаққатли меҳнат талаб қиладиган агротехниканинг дастлабки усулини англатиши тўғрисида фикр қилиб бўлмайди. Чунки манбаларда “қоқлама” сўзининг изоҳига оид аниқроқ маълумот берилмаган [12: 172].

Тарихчи, академик олим А.Р.Муҳаммаджонов ушбу атаманинг маъносини ва аҳамиятини ёритишда этнографик маълумотларга таяниш лозимлигини таъкидлайди. Олим 1958-1964 йилларда Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Қоқиштувон, Хўжауббон, Қўрғон, Мирзая; Қоракўл туманидаги Қораун, Жигачи ва бошқа туманлар қишлоқларида бир гуруҳ ёши улуг деҳқонлардан тўпланган оғзаки маълумотларга таянган ҳолда “қоқлама” атамасига батафсил аниқлик киритиши мумкин бўлган муҳим маълумотлари қўлга киритади [12: 172].

Маълумотларга қараганда, “қоқлама” қуйидаги иш жараёнларини ўз ичига олган. Ерни “қоқлама”га тайёрлаш асосан эрта баҳорда, ҳали ердан нам қочмасдан бошланган. Ери шўрҳок туманларда эса иш ҳатто қишда бошланиб, ернинг шўрини ювиш учун аввало, агар имконият бўлса, яхоб суви берилган. Баҳор кириши билан шудгор қилишга киришилган. “Қоқлама” шудгор ерни бирин-кетин узлуксиз ҳайдашдан иборат бўлиб, у икки навбатга бўлинган. *Биринчи навбат*: ерни ҳайдаш то саратон (21 июнь – 22 июль)нинг охиригача давом этган. Ёзги чилланинг кириши билан ерни ҳайдаш вақтинчалик тўхтатилиб, шудгор қилинган майдон қирқ кун давомида қуёш нурида тобланиши учун танаффуз берилган. Буни маҳаллий деҳқонлар “лолаббӣ шудгор” деб атаганлар. Бу даврда қуёшнинг ўткир нурлари ва ёзнинг жазирама ҳарорати билан шудгор қилинган майдон тупроғидаги зараркунанда ҳашоратлар ва бегона ўсимликларнинг тухум ва илдизлари деярли қуриб битган. Асад (23 июль – 22 август) оyi кириши билан *иккинчи навбат*: ер ҳайдаш бошланиб, у сунбула(23 август – 22 сентябр)гача давом этган. Ҳар иккала навбатда ҳам ер майдони 6-10 маротабага ҳайдалган (Баъзи бир деҳқонлар ерни то асад, яъни июл ойининг ўрталарига қадар 20 маротабагача ҳайдаб, сўнгра шудгорни бир ой муддатга ташлаб қўйганлар).

А.Р. Муҳаммаджонов шахсан суҳбатда бўлган, Ромитаннинг кекса соҳибкорларидан Зоиров Отамуродбобо, - “Хўжалиги бир мунча бақувват бўлган ўрта ҳол деҳқонлар ерни шудгор қилиб, “қоқлама”га тайёрлаш учун ҳар йили фақат омоч тишининг ўзидан 5-10 тасини эҳтиёт қилиб олдириб қўйишлари” – тўғрисида маълумот берган. Бундан англаш мумкинки, ерни қоқлама усулида шудгор қилиш жараёни нақадар машаққатли меҳнатни талаб қилган.

Сентябрь ойидан бошлаб, шудгор қилинган майдон бўйлаб, “мола” (шудгор қилинган ерни текислаш ва йирик кесакларни майдалаш учун ишлатиладиган агроускуна) босишга киришилган. Мола босиш ҳам ўз навбатида уч босқичга бўлинган. Аввало махсус тишли мола билан шудгорга 8-10 маротаба узунасига ҳамда кўндалангига мола босилган. Бухоро деҳқонлари буни “чапирост” усулидаги “дондона мола” деб юритганлар. Дондона мола шудгор кесакларини майдалаш учун ишлатилган. Кўп маротаба ҳайдалган ва қайта-қайта дондона мола юргизилган ер майдони натижада майда тупроққа, яъни “ҳок”ка айланган. Шу билан ерни “қоқлама”га тайёрлаш учун олиб борилган асосий ишлаш жараёни тугаган.

“Қоқлама”га тайёрланаётган ернинг тупроғини тобига келганини аниқлаш учун, одатда деҳқонлар ўрта ҳажмли кесакни юқорига отиб, шудгорга ташлаб кўрганлар. Шудгорга тушган кесак агар тупроққа ботиб, қўмилиб кетса, у вақтда ер майдони етилган деб ҳисобланган. Бундай шудгорга қадам қўйилса, киши оёғи тиззасигача тупроққа ботиб кетган. Экишдан аввал “чапирост” (“чап ва ўнг”)усулида ерга иккинчи навбат мола босилиб, унинг сони 6-8 маротабагача етказилган. Сентябрь ойининг охиридан бошлаб эса, ерга уруғ сепилган. Уруғдан сўнг тишли мола билан учинчи навбат 2-3 маротаба яна мола босилган. Шу билан қарийб олти ой мобайнида давом этган машаққатли ва мураккаб агротадбирлар жараёни ўз ниҳоясига етган.

Экин майдонининг бу қадар синчиклаб ишланиши, “қоқлама”га экилган экинларни қишки ва баҳорги ёғингарчилик ҳисобига етарли намлик билан таъминлаш имконини берган. Чунки қайта-қайта ҳайдаланиши натижасида майда заррачаларга айланган тупроқ

бир неча маротаба юргизилган моланинг оғир зарби билан зичланиб, ердаги намликнинг ортиқча парланишига йўл қўймас ва намликни ўзида узоқ вақт сақлаш имконини берар эди. Дехқонларнинг сўзича, ернинг намини ҳатто шамол ҳам кўтармаган. Натижада “қоқлама”га экилган бошоқли экин кузнинг ўзидаёқ униб чиқиб, қишда илдизли панжалаб, баҳорда фаол ўсиб, ёзнинг иссиқ ҳарорати бошламасданоқ бошоқ тортиб, дон қотгунга қадар суғоришга муҳтож бўлмай, етарли намни ернинг ўзидан олган.

“Қоқлама”га донлик экинлардан асосан буғдой ва қисман арпа экилиб, улар кейинги йилга ҳосил тўккан. Шунинг учун ҳам “қоқлама”га экилган экинни маҳаллий дехқонлар “солий” ёки “йиллик” деб аташган. Кекса дехқонларнинг фикрича, “қоқлама”га экилган буғдой суғориладиган майдоннинг ҳосилидан кам бўлмаган [12: 173]. Аксинча, суғориладиган ердан кўра кўпроқ ҳосил берган. Чунки, бундай усулда ерга қадалган уруғ илдизи жуда яхши ривож топган.

Бухоронинг кам сувли туманлари: Ромитан, Хайработ, Жондор ва Қорақўлда “қоқлама” усули жуда кенг жорий этилган бўлиб, айниқса Қорақўлда туманида ғалла деярли “қоқлама”да етиштирилган.

Қорақўлнинг кекса дехқонларидан Мулла Бердибобонинг гувоҳлик беришича, - “Қоқламани Қорақўл дехқонлари кашф этган” [12: 173]. Таъкидлаш лозимки, “қоқлама”нинг кашф этилиши, туманларнинг сув таъминотидаги имконияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, асрлар давомида дехқончилик агротехникасида тўпланган жуда бой тажрибалар асосида юзага келган ноёб кашфиёт сифатида қараш лозимдир.

Тарихий манбаларда берилган айрим маълумотлар ҳамда Бухоро воҳаси бўйлаб тўпланган этнографик маълумотларга қараганда, XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX аср бошларида Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги суғориш тизимларида дехқончиликда “қоқлама” усулидан кенг фойдаланилган.

Демак, суғориладиган ерларда ниҳоятда оғир меҳнат талаб қиладиган “қоқлама” усули билан донли экинларни сувсиз етиштириш, Зарафшон водийсининг қуйи қисми дехқончилик тарихида, Бухоро соҳибкорларининг доимий сув танқислигига қарши ихтиро қилган агротехниканинг ўзига хос ажойиб тадбирларидан бўлиб, Бухоронинг суғорилиш тарихини ўрганишда алоҳида ўрин тутди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, XX ўрталарида сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик натижасида бугунки кунда бутун ер юзида ва шу жумладан мамлакатимизда ҳам сув танқислиги муаммоси тобора авж олиб бормоқда. Йирик саноат корхоналари фаолиятининг жадаллашуви натижасида глобал иссиқлик тобора хавф солиб, бу ўз навбатида сув ҳамда озиқ-овқат танқислигига олиб келмоқда. Албатта, ушбу муаммони бартараф этиш бўйича олимлар жуда кенг қамровли илмий изланишларни олиб бормоқдалар ва самарали инновацион ғояларни илгари суриб амалиётда жорий этмоқдалар. Бу бўйича уларга кўмакчи сифатида сувдан самарали фойдаланишни тартибга солиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳукуматимиз таркибида алоҳида Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Биз юқорида баён этган ерга ишлов беришнинг “қоқлама” усули машаққатли меҳнат талаб этишини таъкидлаб ўтдик. Бироқ, ушбу усул авдодларимизнинг ҳаёт тажрибасидан муваффақиятли ўтган бўлиб, ўз навбатида сувни тажашга хизмат қилган ва самарасини берган. Шу нуқтаи-назардан ўтмиш тарихимизда авдодларимиз томонидан сув муаммосини бартараф этиш ҳамда суғорма дехқончилик маданиятини шакллантириш борасида эгаллаган тажрибаларига ҳам соҳа вакиллари томонидан эътибор берилса, ўйлаймизки фойдадан холи бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Анвармирзо Ҳусайнов. Амударёни янги ўзандан оқизиш лойиҳасининг маъно-мазмунини // “Адабиёт газетаси”, № 4. 2018 йил 14 март.
2. Аҳмади Дониш. Асарҳои мунтахаб. – Сталинобод.: Нашрдавточик, 1959. – 287 с.
3. Баратов М. Ўзбекистонда маърифат учун кураш тарихидан. – Тошкент.: ЎзССР ФА, 1961. – 95 б.

4. Гневущева Е.И. Забытый путешественник, Жизнь и путешествия Петра Ивановича Пашино. Москва.: “Географическая литература”, 1958. – 112 с.
5. Дониш А. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Қиёмиддин Ёўлдошев таржимаси. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2014. – 144 б.
6. Дониш А. Наводирул вақое. Форс тилидан А.Хамроев ва А.Шокиров таржимаси. – Тошкент.: “Фан”, 1964. – 411 б.
7. Дониш А. Путешествие из Бухары в Петербург. Перевод с таджикского М.Н. Османова и Л.Н. Демидчика. – Сталинобад.: “Таджикиздат”, 1960. – 300 с.
8. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения её к России (Бухара). – Ташкент.: «Наука», 1965. – 75 с.
9. Жумаев А., Жумаева Н. Аҳмад Дониш асарларида сув таъминоти масалалари // Аҳмад Дониш – XIX асрнинг буюк мутафаккири: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 2-китоб. – Бухоро.: 2007. – Б. 117.
10. Ирригация Узбекистана. Развитие ирригации в комплексе производительных сил Узбекистана. 4-томлик. I-том. – Ташкент.: “Фан”, 1975. – С. 600.
11. Камол Айни. Встречи Ахмада Дониша с П.И. Пашино // Народы Азии и Африки. 1963. №6.
12. Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент: “Фан”, 1972. – 375 б.
13. Наимов И. Аму-Бухоро каналининг илк лойиҳаси // “Бухорои шариф газетаси”, 2012. - №6.
14. Наимов И. Аҳмад Донишнинг “Манғит амирлари тарихи” асарида сув ислоҳоти масаласи // «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA», МАТЕРИАЛЫ VI Международной научно-практической конференции. IV-том. – Нур-султан, 2019. – С. 91-96.
15. Наимов И. Моҳир муҳандис // “Муҳофаза+”, 2019. - №8.
16. Раджабов З. Выдающийся просветитель таджикского народа Ахмад Дониш. – Сталинобад.: “Ирфон”, 1961. – 221 с.

MO‘G‘ULLAR ISTILOSИ VA HUKUMRONLIGI DAVRIDА BUXORO VOHASIDAGI TURK-MO‘G‘UL QABILALARINING O‘RNASHUVI XUSUSIDA

Orziyev Mahmud Zayniyevich

**Buxoro davlat universiteti “Arxeologiya va Buxoro tarixi”
kafedrasi dots. nti tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)**

**Hamdavov Dilmurod Bobomurod o‘g‘li
Buxoro davlat universiteti “Arxeologiya va Buxoro tarixi”
kafedrasi II-Bosqich magistri**

Annotatsiya: Ushbu maqolada Chingizxon boshchiligidagi turk-mo‘g‘ul qabilalarining Movarounnahrda bostirib kirishi, ushbu siyosiy jarayonlarda Buxoro vohasi tarixi, shuningdek, Buxoro vohasiga kelib o‘rnashgan turk-mo‘g‘ul qabilalari, ularning Chig‘atoy ulusi siyosiy hayoti va o‘zbek xalqining etnik shakllanishida ishtirok etishi masalalari xususida fikr-mulohazalar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Movarounnahr, istilo, turk-mo‘g‘ul, urug‘-qabila, Buxoro vohasi, hokim, joylashuv, “Katta o‘g‘illar yurishi”, ulus, boshqaruv

Chingizxon (1155-1206/1227 yy) boshchiligidagi turk-mo‘g‘ul qabilalari tomonidan Movarounnahrni istilo qilinishi aslida qon-qarindosh urug‘-qabilalarning o‘zaro kurashlari bo‘lib, istilo natijasida yagona saltanat vujudga kelgan edi. Ulkan saltanatni Chingizxon vafotidan oldinroq to‘rt o‘g‘li o‘rtasida taqsimlagan bo‘lib, O‘rta Osiyo hududlari uning ikkinchi o‘g‘li Chig‘atoyga ulus sifatida berilgan. Tarixiy adabiyotlardagi ma‘lumotlarga tayanib, Chingizxon vafotidan keyin ko‘pgina hududlar o‘z mustaqilliklarini tiklab olgan deb, xulosa qilish mumkin.

MUNDARIJA

O.X. Xamidov. Buxoro: sharq sivilizatsiyasining beshigi va tarixiy meros markazi	3
--	---

1-SHO‘BA. BUXORO ARXELOGIYASI, ETNOGRAFIYASI VA**TOPONIMIKASI..... 5**

Манзила Курбонова, ЎЗБЕК МАДАНИЯТИДА ПАЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНАЛАР	
Очилов Алишер Тўлис ўғли. БУХОРО ВОҲАСИНИНГ БРОНЗА ДАВРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА ЗАМОНБОБО МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ	7
Очилов Алишер Тўлис ўғли. БУХОРО ВОҲАСИДА ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ (ПОЙКЕНТ МИСОЛИДА) ..	10
Elmurodova Nilufar Baxtiyor qizi. “AVSTRALIYA O‘ZBEKLAR JAMIYATI” TARIXIGA DOIR	11
Elmurodova Nilufar Baxtiyor qizi. BUXORIYLARNING SURIIYA VA ISROILDAGI UYUSHMALARI TARIXIDAN (XX ASRNING 40-50-YILLARI)	13
Atoyeva Dilnoza Shofiddinovna. BUXORO VOHASINING ATROF-MUHIT MUAMMOLARI TARIXIY TALQINDA.....	15
Ochilova Marjona Botir qizi, Elova Dilnoza. VARAXSHANING ARXEOLGIK O‘RGANILISHI.....	17
Atoyeva Oyshabonu, Nosirov Sh.O‘.BUXORO SHAHRINING TARIXIY LANDSHAFTI VA UNDAGI AYRIM MUAMMOLAR	20

2-SHO‘BA. BUXORO VOHASIDA DAVLATCHILIK ASOSLARI,**SHAHARSOZLIK, MODDIY VA MA‘NAVIY MADANIYAT MASALALARI 22**

Jumaeva Nilufar Axmatovna. QUYI ZARAFSHON VOHASINING XO‘JALIK AN‘ANALARI TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI-XX ASR BOSHLARI).....	22
Нафиса Закировна Хаётова. XX АСРДА БУХОРО ШАҲРИДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ВА ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ШАКЛЛАНИШИ	25
Камола Орзиева Сайидмуродовна. ТРАНСФОРМАЦИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ЖИЗНИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ПОД ВЛИЯНИЕМ СОВЕТСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XX ВЕКА).....	27
Fattullayev Farrux Fazliddin o‘g‘li. BUXORONING ESKI SHAHAR QISMIDAGI ME‘MORIY OBIDALAR TASNIFI.....	29
Jo‘raboyev Azizbek Axmadjon o‘g‘li. BUXORO MODDIY MADANIYATI (O‘ZBEKISTON MODDIY MADANIYATI TARIXI JURNALI ASOSIDA)	31

3-SHO‘BA. BUXORO TARIXI MANBASHUNOSLIGI VA TARIXSHUNOSLIGI 33

Ҳайтов Шадмон Аҳмадович. БУХОРО ВА ЎЗБЕКИСТОН ОСМОНИДА ҚАТНАГАН ИЛК САМАЛЁТЛАР ТАРИХИГА ДОИР (XX АСР ДАСТЛАБКИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРИ) .	33
Ҳайтов Шадмон Аҳмадович. БУХОРОДА АВТОМОБИЛ ҚАТНОВИ ТАРИХИДАН (XX АСР БОШЛАРИ).....	34
Haitov J.Sh. BXSР HUKUMATI YILLARIDA QISHLOQ XO‘JALIGI VA DEHQONCHILIK MADANIYATINING RIVOJLANI.....	36
Rahmonov Kamol Jamolovich. "BUXORO QIZIL MATBUOTINING QISQACHA TARIXI" TO‘G‘RISIDA MULOHAZALAR	38
Boltayev A‘zam Xomidovich, Ochilov Shaxzod. BUXORODA TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK SOHASI	40
Murodova Dilrabo Shomurodovna. BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVINING ZAMONAVIY FAOLIYATIDAGI RAQAMLASHTIRISH JARAYONI	42
Orziev Mahmud Zaynievich, Samadova Ruxshona Ramazon qizi. ERONDAGI 1905-1911 YILLARDA ROSSIYA-GERMANIYA ZIDDIYATLARINING KUCHAYIB BORISHI (“TURKISTON TO‘PLAMI” MATERIALLARI ASOSIDA)	44

Латипов Жасур Лазиз ўғли, Эргашев Жаҳонгир Юнус ўғли. ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ РОМИТАН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ТУРК ХОҚОНЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ	47
Naimov Ismat Nusratilloevich. СУВ ТЕЖАШНИНГ БУХОРО ТАЖРИБАСИ: ТАРИХИЙ АМАЛИЁТ ВА НАТИЖА.....	49
Orziyev Mahmud Zayniyevich, Hamdavov Dilmurod Bobomurod o'g'li. MO'G'ULLAR ISTILOS I VA HUKUMRONLIGI DAVRIDA BUXORO VONASIDAGI TURK-MO'G'UL QABILALARINING O'RNASHUVI XUSUSIDA	53
Бобожонова Феруза Хаятовна. БУХОРО ВИЛОЯТИДА СОВЕТ МАКТАБИ ТАРИХИ... 55	55
Мубинов Мухаммадали Ақобирович. ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА АНГЛОЯЗЫЧНЫМИ ВОСТОКОВЕДАМИ (НА ОСНОВЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АНГЛОЯЗЫЧНЫХ ОРИЕНТАЛИСТОВ).....	56
Nosirov Sherzod O'ktam o'g'li. TURKISTON DAVRIY MATBUOTI BUXORO AMIRLIGI TARIXINI YORITISH MANBAS I.....	58
Abdushukurov Bobomurod Faxriddin o'g'li. O'ZBEKISTONDA PEDAGOGIK KADRLAR TAYYORLASH MASALASI: BUXORO TARIXI MISOLIDA (1925-1991 YILLAR)	60
Латипов Жасур Лазиз ўғли, Сабирова Мадина Саъдулла қизи. БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ НИЗОЛАРНИНГ АҲОЛИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ	63
Irgashov Xusniddin Nuridin o'g'li, Normatov Otabek Maxamatjonovich. BUXORO OKRUGIDA XX ASRNING 30-YILLARIDA IJTIMOY-IQTISODIY HAYOT XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	65
Yuldashaliyeva O'g'iloy Maxmudjon qizi, Jumayeva Shoir Berdiyarovna. AN'ANAVIY SHARQ JAMIYATIDA AYOLLARNING MAQOMI: BUXORO AMIRLIGI MISOLIDA	70
Ikromov Nozim Ikromovich. XITOY YILNOMALARIDA TOXARISTON HAQIDAGI AYRIM MA'LUMOTLAR	72
To'raeva Guli Baxriddinovna, Rasulov Muhammadmurod Jasur o'g'li. "XX ASR O'RTA OSIYO TARIXIY-ILMIY MUHITIDA L. I. REMPEL': TARJIMAI HOLI VA ASOSIY TADQIQOT YO'NALISHLARI"	74
Abbas Eghbal Mehran, Mohammad Reza Alam. GENEALOGY OF THE NAME BUKHARA IN HISTORICAL SOURCES.....	78
Abdurazzoqova Yulduz Munis qizi. BUXORO XONLIGI TARIXI AKS ETGAN SAFAVIYLAR DAVRIGA OID AYRIM MANBALAR XUSUSIDA	80
Nizamov Asqar Baxromovich. AFG'ONISTON MATBUOTI SAHIFALARIDA BUXORO AMIRLIGU TARIXIGA OID MA'LUMOTLAR XUSUSIDA	82
Astanova Nasiba Qudratovna, Orziyev Mahmud Zayniyevich. HOFIZ TANISH BUXORIYNING "ABDULLANOMA" ASARI VA UNING BUXORO TARIXINI O'RGANISHDAGI AHAMIYATI.....	84
Jo'rayev Isomiddin Ismoilovich. 1970-80-YILLARDA BUXORODA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHNING AHVOLI XUSUSIDA	86
Xayriyev Javohirbek Oybek o'g'li. BUXURO SHAHRI GUZARLARI TIZIMI VA ULARNING NOMLANISHIDAGI TARIXIY O'ZGARISHLAR (XX ASRNING 30-YILLARI MISOLIDA).....	88
Jurayeva Ferangiz Jamshidovna. BUXORO TARIXIGA BIR NAZAR	90
Bazarbayeva Shohsanam Muratovna. CHORVA KASALLIKLARI VA CHEGARA SIYOSATI: TURKISTON-BUXORO VETERINARIYA PUNKTLARINI TASHKIL ETISH REJALARI (XIX ASR OXIRI)	93
Teshayeva Yulduz Hakim qizi. BUXORO KIMYO MAKTAABI RIVOJIGA AYOL OLIMALARNING QO'SHGAN HISSASI.....	96
Shohrux Sharipov. "XIX ASRDA AFG'ONISTON VA Rossiya TURKISTONIDA CHEGARA SIYOSATINING SHAKLLANISHI VA GEOSIYOSIY OMILLARI"	97

Gadoyev Dadaxon Xayrulloevich. XX ASRNING 30-YILLARIDAGI ATEISTIK SIYOSATNING BUXORO MASJIDLARIGA TA'SIRI	100
Sharipova Marjona Ravshan qizi, Utayeva Feruza Xolmamatovna. BUXORONING G'ARBIY YEVIROPA DAVLATLARI BILAN IQTISODIY HAMKORLIGI.....	103
Majidov Jo'rabek Jalilovich. XX ASR 50-80 YILLARIDA BUXORO TEMIR YO'LINING KADRLAR MASALASI	104
Ibrohimov Nozimjon Ixtiyorovich, O'rinboyeva Ro'zigul Amrullayevna. MANG'ITLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA BUXORO AMIRLIGIDA HARBIY ISLOHOT	107
Rayimova Moxinabonu Rashidovna. BUXORO AMIRLIGIDA MAG'ITLAR HUKMRONLIGI	110
Qodirov Quvonch Bekmurodovich. BUXORODA POLITSIYA MIRSHABLARI XIZMATINING SHAKLLANISHI.....	112
Вахабов Азизжон Хамидович. ПОНЯТИЕ ПОЛИТИЧЕСКОГО ПОРТРЕТА, ЕГО МЕТОДЫ И ЗНАЧЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОГО ПОРТРЕТА ЭМИРА БУХАРЫ АБДУЛАХАДХАНА В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ	114
Гафурова Иродахон Мухтаровна. СИСТЕМА ОБРАЗОВАНИЯ БУХАРЫ В КОНЦЕ XVIII И НАЧАЛЕ XIX вв.....	116
Хаётов Феруз Умиджонович. ИСТОРИОГРАФИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА КОМПЛЕКСА КАЛОБОД.....	118
Fayziyev Abdusamad Abduxoliq o'g'li. BUYUK IPAK YO'LI ILK SAVDO MUNOSABATLARI TARIXIDA OT.	122
Boltayev Oxun Obid o'g'li. "NEMIS MUHOJIRLARINING TURKISTONDAGI HAYOTI: BIRINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA (KHAY'ER H.X. «НЕМЦЫ ДРЕВНЕГО КРАЯ» MANBASI ASOSIDA)"	126
Rahmatilloev Nusratillo Hikmatillo o'g'li. BUXORO AMIRLIGI TARIXIGA OID ASARLARDA AMIR MUZAFFAR SHAXSIYATIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR ..	128
Umedaxon.Sh.Soxibova. MADINADAGI HARAM HUDUDI: TARIXIY, DINIY VA MADANIY TAHLIL	129
Xayriyev Javohirbek Oybek o'g'li. "BUXORO PROLETARI" GAZETASI (1930-1938): TARIXIY MATBUOT, MAFKURAVIY DISKURS VA TARJIMONLAR FAOLIYATINING TAHLILI.....	132
Xayrullayev Umidjon Fayzullo o'g'li. BUXORO VILOYATIDA 1992-YILDAGI IJTIMOY-IQTISODIY O'ZGARISHLAR	134
Hotamova Sevara Sulaymon qizi. AMIR NASRULLOHXON DAVRIDA BUXORO AMIRLIGI: DIPLOMATIK MUNOSABATLAR.	135
Nasilloev Sunnat Shavkat o'g'li. SOVET HUKUMATINING O'ZBEKISTON SSRDAGI 1941-1945 YILLARDA OLIB BORGAN ASPIRANTURA BOSQICHIGA OID SIYOSATI (BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI SAQLOVI HUJJATLARI MISOLIDA)	137
Nasilloev Sunnat Shavkat o'g'li. O'ZBEKISTON SSRDA 1960-1980 YILLARDA QISHLOQ XO'JALIGI FANLARIDA ILMIY KADRLAR TAYYORLASH.....	140
Xamrayev Iskandar Murotjonovich. TURKISTONDA SUV RESURLARIDAN FOYDALANISH VA SUG'ORISH SIYOSATINING IJOBIY VA SALBIY TOMONLARI .	144
Buriyev Zavqiddin Toshpo'lat o'g'li. KASPIYORTI TEMIRYO'LI QURILISHIDA MAHALLIY AHOLINI ISHTIROKI.....	145
Umarov Baxtishod Baxridin o'g'li. SOMONIYLAR SULOLASINING HOKIMIYAT TEPASIGA KELISHI: TARIXIY JARAYON VA OMILLAR.....	147
Ahmadov Xurshid San'atovich. 1928-1929 – YILLARDA BUXORODA YANGI ALIFBO ISHLARINING AMALIY AHAMIYATI.....	152
Ro'ziyeva Hilola To'lqinjon qizi, Raxmonov Kamol Djamolovich. "KATTA TERROR" VA UNING BUXORO VILOYATIDAGI IJTIMOY HAYOTGA TA'SIRI.....	154
Qayumov Toshpo'lot Tohirovich, Raxmonov Kamol Djamolovich. BUXORO VA XORAZM XALQ VAKILLARI QURULTOYLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	155

Кўчаров Жамшид Кулназарович. CHO'QON CHINGIZ VALIXONOVNING BOBUR VA "BOBURNOMA" ASARI XUSUSIDAGI FIKR-MULOHAZALARI XUSUSIDA	158
Raximova Dilnoza Jamshidovna. BXSР TARIXIGA BIR NAZAR	160
Zayniddinova Shaxina Zahriddinovna. BUXORO AMIRLIGIDA IJTIMOY, IQTISODIY VA MADANIY HAYOT	162

4--SHO'BA. BUXORO TASAVVUF TARIQATLARI MAKTABI; 165

Baltayeva Ma'mura. "BUXORO TASAVVUF TARIQATLARI MAKTABI: TARIXIY EVOLYUTSIYA VA MADANIY MEROS"	165
Latipov Mirshodbek Zayni o'g'li. BUXORO TASAVVUF MAKTABLARI: NAQSHBANDIYA, QODIRIYA VA KUBRAVIYA TARIQATLARINING TAQQOSIY TAHLILI	167
Mohichehra G'ulomova G'aniyevna. BUXORODA TASAVVUF TARIQATLARI VUJUDGA KELISHI TARIXIY DAVRI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR.	169

5-SHO'BA. "BUXORIY" LARNING ILMIY, TARIXIY VA ADABIY MEROSI, ULARNING JAHON ILM-FAN VA MADANIYATIGA QO'SHGAN HISSASI; .. 173

Yusupov Kobil Hakimboyevich, BUXORO HUDUDIDAN YETISHIB CHIQQAN HANAFIY MUHADDISLAR	173
Зафар Нажмиддинов. РАЗИЙ АЛ-ДИН АС-САРАХСИЙ ҲАЁТИ ВА АСАРЛАРИ ҲАҚИДА ИЛК МАЪЛУМОТЛАР	176
Ismailov G'afurjon Xasanovich. TURKIYADAGI BUXOROLIK MASHOYIX AMIR AHMAD BUXORIY	179
Abduraximova Maftuna Maxammadjon qizi, Madraximov Zoxid Sharofovich. BUXORO TARIXIDA IMOM AL-BUXORIYNING O'RNI	181

6- SHO'BA. JAHON MADANIY MEROSI TARKIBIDA "BUXORODAGI MUQADDAS QADAMJOLAR, ZIYORATGOHLAR, AZIZ AVLIYOLAR ZIYORAT TURIZMI OBYEKTI" SIFATIDA O'RGANILISHI 184

Boltayev.B.B. MUQADDAS QADAMJOLAR MUZEYLARI IBRAT NA'MUNASI.....	184
--	-----

7-SHO'BA. BUXORO SAN'ATI (MUSIQA, ME'MORCHILIK, HUNARMANDCHILIK, MINNATYURA, ZARDUZLIK, V.H.) VA MADANIYATI TARIXI;..... 187

Amonkeldi Axmadov. ADABIY HAKAKATCHILIK: BUXORO ADABIY AN'ANASINING ILDIZLARI	187
Amonkeldi Axmadov. BUXORODA ADABIY HAKAKATCHILIK (XIII-XX ASRLAR)	191
Ниязова Махсума Ильясовна. ПИСЬМЕННЫЕ ИСТОЧНИКИ ОБ ЮВЕЛИРНЫХ УКРАШЕНИЯХ СРЕДНЕЙ АЗИИ	194
Utayeva Feruza Xolmamatovna. TO'QIMACHILIK SANOATINING TARIXIY ILDIZLARI	196
Қудратов Шухрат Ёдгорович. БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ АЙРИМ СОҲАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР.	198
Boltayev.B.B. O'ZBEKISTON MUZEYLARNING INNOVATSION TARAQIYOTI OMILLARI	200
Шавкат Бобожонов, ШАКАР ГАНЖИ ВАЛИЙ – БУХОРО ҲОЛВАГАРЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ПИРИ	202
Rahmatova Dildora Nizom qizi, Utayeva Feruza Xolmamatovna. BUXORODA YENGIL VA OG'IR SANOATNING TARIXIY TARAQIYOTI	205
Utayeva Feruza Xolmamatovna. Xolmatov Samandar Shovqiddin o'g'li. BUXORO ZARDO'ZLIK FABRIKASI TARIXI.....	206

Abdullayeva Nargiza Abduhalimovna. SHAYBONIYLAR DAVRIDA BUXORODA ME'MORCHILIK.....	208
Дилдора Норова, БУХОРО ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ.	211
Xalikova Nargiza Erkinovna. SO'G'D NUMIZMATIKASI BO'YICHA BUXORO DAVLAT MUZEYI FONDIDAN MATERIALLAR.....	213
Zaripova Sarvinoz Xusen qizi. SOVETLAR DAVRIDA BUXORODA MADANIY HAYOT	214
Bo'stonova Zilola Bo'ston qizi. BUXORO VILOYATIDA TARIXIY-MADANIY TURIZMNING O'RNI VA AHAMIYATI	217
Elmurodova Nigora Jobir qizi. BUXORO MADRASALARI VA ULARNING TA'LIM TIZIMI XIX ASR MANBALARIDA: YEVIROPA VA ROSSIYA ELCHILARI QAYDNOMALARI ASOSIDA	219
G'afurova N.N. BUXORONING ME'MORIY MEROSI VA KULOLCHILIK AN'ANALARI: NODIR DEVONBEGI XONAQOSI MISOLIDA	222
Султонова Нигина Шералиевна. МУЗЕЙ - ОСНОВНОЕ ЗВЕНО В ПРОДВИЖЕНИИ НАШЕГО НАЦИОНАЛЬНОГО РЕМЕСЛЕННОГО НАСЛЕДИЯ.....	223
To'rayeva Nigina Baxodir qizi. BUXORO VILOYATIDA IJTIMOY-IQTISODIY VA MADANIY JARAYONLAR TAHLILI (XX ASRNING 50-80 YILLARI)	226
Baxtiyorov Behruz Bobirovich. ZANDANA QISHLOG'I HAQIDA	228
Mamasharifova Shahloxon Muxtorxon qizi. BUXORO MADRASALARI TARIXIDAN	232
Rustamova Shaxina O'ktam qizi. BUXORO ME'MORCHILIGI VA YODGORLIKLARI.....	234

8-SHO'BA. BUXORO JADIDLARINING IJTIMOY-SIYOSIY FAOLIYATI VA ILMIY (MA'RIFATPARVARLAR, TARAQQIYPARVARLAR) MEROSINI O'RGANISH.

Temirov Farrux Umedovich. SADRIDDIN AYNIIY PUBLITSISTIK IJODIDA VATANPARVARLIK, MAKTAB VA MAORIF MASALASI.....	237
O'rinova B.Z. MUSTAQILLIK - JADIDLAR VA JADID MATBUOTIDAGI DEMOKRATIK MILLIY G'OYALARNING AMALDAGI IFODASI	239
Alijonov Muslimbek Baxtiyorjon o'g'li. BUXOLIK JADID MUSO SAIDJON VA UNING "GO'RI AMIR" ASARI HAQIDA.....	242
Azimova K.K. JADID MAKTABLARIDA BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMI VA TARBIYA (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLAGI)	245
Azimova K.K. USMON XO'JA PO'LATXO'JAYEVNING JADIDCHILIK HARAKATI VA YOSHLAR TA'LIM-TARBIYASI BORASIDAGI ISHTIROKI	247
Tadjitdinov Vohid Komilovich. ITTIHOD VA TARAQQIY JAMIYATINING BUHORO JADIDLARI FAOLIYATIGA TA'SIRI.....	248
Ahmadvova Lola Asror qizi. BUXORO MA'RIFATPARVARI SAID AHRORIY QARASHLARIDA OILA VA XOTIN-QIZLAR MASALASI.....	250
F.U.Temirov, Ro'ziyev Abduvali. BUXORO AMIRLIGI IJTIMOY-MADANIY HAYOTIDA YOSH BUXOROLIKLARNING TUTGAN O'RNI.....	252
Shaxzod Yodgorov. BUXORO JADIDLARINING MA'RIFATPARVARLIK FAOLIYATI VA UNING ZAMONAVIY TALQINI.....	255
Raxmatulloyev Umid Ashrafovich. BUXORO JADIDLARINING IJTIMOY-SIYOSIY FAOLIYATI VA AYANCHLI TAQDIRI.	257
Hasanov Maxmudjon Husniddinovich, Raxmonov Kamol Djamolovich. MAHMUDXO'JA BEHBUDIYNING TA'LIMIY QARASHLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR.....	259
Eshmurotova Marjona Pulat qizi, O.A.Maxmudov. O'ZBEKISTONDA MADANIY HAYOT: BUXORO JADIDLARINING MA'RIFIY MEROSI (1941-1945 –YILLAR).....	261
Jabborov Avazbek Aloviddin o'g'li, VADUD MAXMUDNING BOLALIK XOTIRALARI..	264
Samadov G'olibjon Zaynidinovich. SADRIDDIN AYNIYNING "ESDALIKLAR" ASARIDA TOZALIK VA SOG'LIQNI SAQLASH SOHASINING TASVIRI.....	266

Tilavova Shahnoza Salohitdinovna. BUXOROLIK JADIDLARNING XOTIN-QIZLARNING IJTIMOY AHVOLI VA TA'LIMI HAQIDA QARASHLARI	271
Homidjonov Nodir Bahodir o'g'li, O.M.Normatov. XX ASR BOSHLARIDA BUXORO JADIDLARINING IJTIMOY-SIYOSIY ISLOHOTLARDAGI O'RNI	273
Muxtorova Saodat Mustaqim qizi. MILLAT OYDINLARI: ABDURAUF FITRAT HAYOTI VA ILMIY MEROSI	275
Go'zal Halimova Hamza qizi. BUXORO JADIDLARINING IJTIMOY-SIYOSIY FAOLIYATI VA ILMIY MEROSI	277

9-SHO'BA. BUXORO TARIXINI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR (METODIK TAVSIYALAR, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR).....

280

Utayeva Feruza Xolmamatovna. YOSHLARDA KASBIY KO'NIKMANI SHAKLLANTIRISHDA ZARDO'ZLIK, TO'QIMACHILIK, TIKUVCHILIK SANOATINING O'RNI.....	280
Sharipov Umidjon Olimovich, Raxmonov Kamol Djamolovich. TARIX TA'LIMI JARAYONIDA TALABALARNING NUTQ MAHORATINI RIVOJLANTIRISH BO'YICHA METODIK TAVSIYALAR.....	281
Abdullayev Behruzбек Anvarovich, Raxmonov Kamol Djamolovich. IJODIY FIKRLASH VA TANQIDIY TAFAKKUR INTEGRATIVLIGI ASOSIDA BO'LAJAK TARIXCHILARNI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASH IMKONIYATLARI	284
Farmonov Murodjon Sunnatullayevich, Raxmonov Kamol Djamolovich. O'ZBEKISTON TARIXI FANIDAN MA'RUZA MASHG'ULOTIGA TAYYORGARLIK KO'RISH METODIKASIGA OID AYRIM TAVSIYALAR	286
Raufov Ixtiyor Suleymanovich. O'zbekistonda mustaqillik yillari neft va gaz sohasining rivojlanishi (Buxoro viloyati misolida).....	288
А.И.Тўраев. БУХОРО ВОҲАСИДА ЧОРВАЧИЛИК ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАР	290
Уркия Аблаевна Утепбергенова, Аширбек Курбанович Муминов. ХОДЖА ХАСАН БУЛГАРИ В БУХАРЕ: СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКОВ И УСТНЫХ ДАННЫХ	292
Raximov Azizbek Normurodovich. BUXORO JADIDLARINING G'OYALARIDAN FOYDALANIB YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING AHAMIYATI	295
Rahimova Umidaxon Tursunaliyevna. BUXORO JADIDLARINING ILMIY ME'ROSI	298
Sadullayev Shamshod Hojiqurbonovich. TARIXIY MANBALARNI TAHLIL QILISH KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH METODLARI	300
Saidova Oygul Husenovna, Ahmadov Olimjon Shodmonovich. MAKTABGACHA TA'LIM TARBIYACHISIDA IJTIMOY-TARIXIY TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH	302